

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Навоий минтақавий  
йўлларга буюртмачи  
хизмати” ДУК директори

М.Сувонов  
2022 й.



## Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Танлов ва таклиф

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Навоий вилояти Кармана тумани "Хончарбоғ" МФЙ худудидаги 2200 дан зиёд аҳоли истикомат киладиган "Хончарбоғ", "Янгийўл", "Бархаёт", "Тинчлик", "Дўстлик", "Башир", "Мехмондўст", "Гадбиркор" кўчаларини жорий таъмиrlаш ишларида ЛСХ, муаллифлик назорати ва экспертиза хulosаси ишлари.

1.2. Танловнинг юкори киймати – 57 736 000 (Эллик етти миллион етти юз ўттиз олти минг) сўм.

Ушбу кийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат бўйича Техник тоширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати– аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилоят навоий шахар, Гулистон кўргони Наврўз кўчаси 29 уй. Эл.адрес:navmintaqviy@uzavtoyul.uz,

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Навоий давлат кончилик институти “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.4. Танлов ушбу хизмат эълон берилгандан сўнг якунига (сониясига) қадар тижорат таклифлари кабул қилинади. (Ушбу хизмат асосида танловларни амалга ошириш ёки ғолиби танлаб олиш мақсадида харид комиссиясининг йигилиши (эълон якун куни билан 11<sup>00</sup> да амалга оширилади)).

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида З йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предметида иштирокчининг кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёкат ва ваколатлари;

танлов объектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблаги, миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишига рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Танлов шартларида белгиланган хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда тақдим этишилари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таъзуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- каленъдар кунга кадар кабул килиши ёки узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталаida жойлантирилиши лозим.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари түгрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳакли. Сўров кедиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади